

XVIII-XIX асрда Хитой англияликлар нигоҳида

Қодиров Азиз
II-курс магистранти

This article about English mission to the china in XVIII-XIX century. Some of English missionaries were visited to china, and contacted to established Dynasty of Qin diplomatic and cultural relations.

Ушбу мақолада испаниялик, португалиялик, англиялик, россиялик ва америкалик сайёҳлар ҳақида сўз юритилган. Жумладан фикримизга мисол қилиб қуйидаги сайёҳлар Матео Риччи, Турнел Самуел, П.В.Добель, Жорж Маккартини, Лоренц Ланг, Жон Барров каби сайёҳлар қуришимиз мумкин.

Хитой қадимдан европаликларни ўзига ром қилиб келган диёр ҳисобланади. Европаликларнинг ўрта асрлардан, бошлаб то бугунги кунгача Хитойни ўрганиб келмоқдалар. Европаликларга хитойликлар ҳақидаги илк маълумотлар сайёҳлар Марко Поло, Вилиамде Рубрук, Павло Карпинилар томонидан маълумотлар етиб келган. Буюк географик кашфиётлардан кейин ҳам Хитойга испаниялик, португалиялик, англиялик, россиялик ва америкалик сайёҳлар ва миссионерлар кўплаб ташриф буюрганлар. Уларнинг орасида Матео Риччи, Турнел Самуел, П.В.Добель, Жорж Маккартини, Лоренц Ланг, Жон Барров каби миссионер ва сайёҳларни кўплаб учратишимиз мумкин¹.

XVIII-XIX асрларда Узоқ Шарқдаги давлатлар ўзларининг “Ёпиқ эшиклар” сиёсатини олиб бораётган бир вақтда кўпгина Ғарб давлатлари турли йўллар билан Хитой, Япония ва Корея давлатларининг ички сиёсатига аралаша бошладилар. Бу эса мазкур давлатларда ички тартиб қоидаларнинг ўзгаришига олиб келди. Натижада, Хитойда ҳам хорижликларга нисбатан салбий фикрлар уйғотган эди.²

¹Дацьшен В.Г.Новая история Китая. 2004.г. БГПУ.стр. 207.

²Непомнин О.Е. История Китая: Эпоха Цин. XVII- начало XX века. 2005.г. М. стр.302.

Буюк инглиз сайёҳи Жон Барров ҳам кўпгина ўлкаларни кезиб, Хитойга келганида уни ажойиб афсоналарга бойлиги билан хайратга солганди. Ж. Барров Хитойга келишидан олдин, бу мамлакат тўғрисидаги маълумотларини қадимгиларидан бошлаб ўрганганди. Айниқса, лорд Маккартинининг ёдномаларидаги тасвирлар Хитойга бўлган қизиқишни янада ортиради.

Хитой астрономияси ва механикасининг фанга номаълум бўлган томонлари европаликлар учун жуда қизиқ эди. Бундан ташқари, Барров католик черковининг миссионерлари Фрацик Касиварнинг Хитойга доир миссионерлик фаолиятини чуқур таҳлил қилади.³ Миссионер ўз баёномаларида Хитойдаги амалдорларнинг сарой ҳаётидаги ўрни ва уларнинг ўртасидаги тафовутлар, турмуш даражаларнинг хилма-хиллиги ва ўрта ҳол аҳолининг турмуш даржаси ҳақидаги маълумотларни ўрганди.

Иезуитлар орденининг нишондори Фрацик Касивар Хитой империясининг нафақат ижтимоий балки, маданий ҳаётини ҳам таҳлил қилган¹. Айниқса, Хитойдаги Хайлин академиясида яратилган ноёб асарлар бундан мустасно эмасди. Академияда математика, кимё, астрономия ва механикага оид асарлар ҳақида кўп маълумотларни тўплайди.² Бу асарлар европаликлар учун жуда муҳим аҳамият касб этган.

Бундан ташқари, миссионерлар ҳам христианликни тарғиб этиш билан бирга Ғарб давлатларининг манфаатлари юзасидан фаолият олиб борганлар. Миссионерлар маҳаллий аҳолини урф одатлари билан жуда яқиндан танишиб, улар орқали давлат тарихи ва маданиятига оид далилларни йиққанлар. Бу эса хорижлик элчилар учун зарур аҳамиятга эга эди.³

Инглиз сайёҳи Барровнинг кузатувларига кўра, хитойликлар япон ва сиамликлардан кескин фарқ қилганлар. Улар бир кўришдаёқ очик, хушмуомила бўлсаларда, ўзларини тўлиқ намоён қилмаганлар. Тил нуқтаи-

³Gernet, Jacques (1996). A History of Chinese Civilization. Cambridge University Press. pp. 126–127

¹Чарлз Фицджералд. История Китая. М. 2008. г. стр. 237.

²Patricia Buckley Ebrey, Cambridge Illustrated History of China (1996) p 201

³Fairbank, J. K.; Goldman, M. (2006). China: A New History (2nd ed.). Harvard University Press. p.120

назардан, уларни тушуниш жуда мураккаблик туғдирарди. Қишлоқлардаги аҳоли қашшоқлигидан деярли саводга эга бўлмаган. Саводлилар жуда камчиликни ташкил қилган.

Бироқ шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, Хитойнинг Цин сулоласи давлат тарихидаги солномаларда келтирилишича, XVIII-XIX асрларда аҳолининг 60-70 фоизи саводли деб кўрсатилган. Қишлоқларда ер майдонлари кенг бўлиб, аҳолининг асосий қисмини ижарачи деҳқонлар ташкил қилган, улар устидан назоратчи қўйган бўлиб, мавсумий равишда солиқларни йиғиб турган.⁴

Барровнинг кузатишларига кўра, “Хитойнинг мустамлакалари йўқ, аҳоли шимоллик ва жанублик халқлар билан биргаликда истиқомат қилганликлари учун бу ерларни ўзлариники деб ҳисоблайдилар”, деб таъкидлайди.¹ Аслида, Хитой бу даврга келиб шимолда ва жанубда ҳам ўз чегараларини тўлиқ белгилаб олганди. Миллий қадриятларига ва миллат генеалогиясига чуқур эътибор билан қарайдиган, хитойликларда буюк шажараларнинг солномалари сақланиб қолинган.

Барров Америка ва Бразилия, Сиам ўлкаларидаги халқлар билан хитойликлар ўртасида катта фарқ борлигини бир неча бор таъкидлаб ўтган. Чунки уларнинг маънавий қиёфасида конфуцийлик ва буддизмнинг қоидалари сингиб кетганлигидан далолат берсада, амалда бунинг аксини кўриш мумкин бўлган.² Сабаби, аҳолининг кўпгина қисми манжур ҳукуматнинг зулмидан азият чекканлиги боис, диний расм-русмларни ҳам унутиб юборганди. Шундай бўлсада, уларнинг оилавий турмушдаги урф одатлари ўзгача бўлган. Оила муқаддас қадрият деб ҳисобланган. Инглиз сайёҳ хитойга хос турмуш тарзини тасвирлар экан, эркак ва аёлларнинг ҳаётий кўникмалари ғарбликларникидан тубдан фарқ қилишини алоҳида таъкидайди.³ Ҳақиқатдан ҳам хитойликларда намоён бўлган бунданй

⁴Struve, Lynn A., ed. The Qing Formation in World-Historical Time. (2004). 212 pp.

¹Peterson, Willard J., ed. The Cambridge History of China. Vol. 9, Part 1: The Ch'ing Dynasty to 1800. Cambridge U. Press, 2002.553-554 pp.

²Mann, Susan. Precious Records: Women in China's Long Eighteenth Century Cambridge U. Press, 1997, 359.pp

³Struve, Lynn A., ed. The Qing Formation in World-Historical Time. (2004). 302 pp.

жихатлар хориждан келган миссионерлар ва сайёҳлар эътиборини жалб қилган. Маълум бўлишича инглиз элчилари бир неча мартаба император саройига ташриф буюрганларида улар хоқонга таъзим қилмаганлар, бу эса императорнинг нафсониятига путур етказиши мумкин бўлган, шунда императорнинг аёнлари бир неча сарой урфлари мажмуасини уларга тортиқ қилганлар. Бундан ташқари, император элчиларни ҳар доим ҳам қабул қилавермаган.⁴

XVIII-XIX асрларда Хитойдаги ҳаёт тобора шиддат билан ўзгариб борган. Бу жараён Хитойни секин-аста очиқ эшиклар сиёсатини олиб боришига асос бўлиб хизмат қилган. Кейинчалик эса ғарбликлар Хитой билан яқиндан танишишга муваффақ бўлганлар.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Дацышен В.Г.Новая история Китая. 2004.г. БГПУ.стр. 207.
2. Непомнин О.Е. История Китая: Эпоха Цин. XVII- началоXX века. 2005.г. М. стр.302.
3. Gernet, Jacques (1996). A History of Chinese Civilization.CambridgeUniversity Press. pp. 126–127
4. Чарлз Фицджералд.ИсторияКитая. М. 2008.г.стр. 237
5. Roberts, J. A. G. A Concise History of China. HarvardU. Press, 1999. 341 pp.

⁴ Roberts, J. A. G. A Concise History of China. HarvardU. Press, 1999. 341 pp.